



XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2016-YIL 3-MART, PAYSANBA, 9 (641)-SON

e-mail: xxi_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz

Янги қонун лойиҳалари муҳокамаси

КУНИ КЕЧА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ О`zLiDeP ФРАКЦИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИМИЗДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИГАН ҚАТОР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси шулардан биридир. Унинг муҳокамасида қайд этилганидек, бугунги кунда ёшга доир пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига (эркаклар 25 йил, аёллар 20 йил) эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар тайинлаш тартиби «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддаси билан тартибга солиниб, унга асосан иш стажига тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиялар ушбу қонуннинг 37-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган камиди 5 йил иш стажига мавжуд бўлган тақдирда бор стажга муносоиб миқдорда тайинланади.



2 →

Солиқ юки камайиб, даромадлар кўпаймоқда

Мамлакатимизда солиқ юкининг доимий равишда камайиб бориши иқтисодий рақобатбардошлигини ошириб, кичик бизнес ва тadbirkorликнинг янада ривожланиши, аҳолининг реал даромадлари кўпайиши баробарида янги иш жойларини очилишига хизмат қилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2015 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан қатор солиқ ва мажбурий тўлов ставкалари камайtirилди, имтиёзлар кенгайtirилди.



Комилжон ЭРНАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О`zLiDeP фракцияси аъзоси

Шунингдек, қарорга биноан тadbirkorларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ноозик-овкат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун фойда солиғи, мол-мулк солиғи, микрофирма ҳамда кичик корхоналар учун ягона

на солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар юзасидан ҳамда тўқимачилик корхоналари учун мол-мулк солиғи тўлашдан озод этиш бўйича берилган имтиёзлар муддати 2018 йилнинг 1 январига қадар узайtirилди.

2 →

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

ЯХШИЯМ СИЗ БОРСИЗ...

Ишдан ҳориб борганингизда кўнгируқдай эсарандор чучук тил билан қақажон қизалогингиз кутиб олади: «Дада хойманг, ишга бойманг...» Уйда, ҳовли ичкарисида эса эжонсарак аёлингиз сочқ тутади: «Дадаси, кўрпача солиб кўйибман, бироз дамнингизни олинг...» Аммо... кўзларингиз, қалбингиз байини хуш манзара андак оройиши топан эса-да, алланечук дилгирлик билан яна бир қадрдон овозга илҳақ бўлади — ана энди юрак тилга қиради: «Онам, ойи-эжоним қаердалар?» Ниҳоят тўрдаги хонадан мушфиқ онаизорингиз чиқиб келади: «Болажоним, мен шу ерданман, ўзинг-чи, аҳолинг тузукми?»

Азизлар! Ана шу муборак овозни, мунаваар сиймони, онанинг ҳалимгина, беозоргина сўроқлаши қадрини билганлар амон бўлишсин!..

Ҳа, бугун, қалбда энг покиса, гўзал туйғулар барқ уриб турганда, баҳор ва аёлга эҳтиром палласи бақамти келган шу лазиз дамларда дуоғўй маможонимизни, юраги меҳру муҳаббатга тўлган мунис онаэжонимизни, биздай суянқиқлари борлигидан суюниб юрғувчи меҳрибон онаэжонларимизни, муштираб аёлимизни, бахтга пешвоз чиқаётган қизларимизни эслаймиз. Мусалфо осмонда чарх ураётган кумрилардек беозор, оққўнғил сингилэжонларимиз бир-бир кўз олдимиздан ўтади. Қўлу ва ҳаяжон ичра, чин кўнғилдан секин пичирлайсиз:

«ЯХШИЯМ СИЗ БОРСИЗ, АЗИЗЛАРИМ!..»

6 →

ШУКУҲ

Баҳорнинг ҳар лаҳзаси ғанимат, ҳар сонияси қадрли. Дунё кўрган нуруний отахон ва онахонлар бежиз бу қутлуғ фаслни хайр-саховат, барака фасли дейишмайди. Кексаю ёш умид билан ўтқазётган ниҳолининг бир кун келиб улкан дарахтга айланишини орзу қилади. Олтин фасл ҳисобланмиш кузда ўз қадрдон даласига ёруғ ниятлар билан барака уруғи қадаб, меҳр билан парварিশлаб, энди эса бошқа қишлоқ хўжалик экинларини ҳам экишга ҳозирлик кўраётган лафзи халол бободехқонларимиз, фермерларимизнинг қўли қўлига тегмаяпти бутун.

25-БАҲОР МУБОРАК БЎЛСИН!

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик муборак тўйига улар ҳам бошқа соҳа вакиллари катори ўз муносиб совғаларини тайёрлашмоқда. Дашту далаларда аллақачон баҳорги юмушлар бошланиб кетди. Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида кўклам таширидан рухланиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ўтказиш яхши анъанага айланган. Айниқса, хашар деб номланган удумнинг изох-таърифини топиш мушкул. Таниқли мутаржимларнинг биридан сўрадик: хўш, хашар ўзга тилларга қандай таржима қилинади? Аниқ, жўялироқ жавоб эшитмадик. Демак, бу ҳам ўзига хос миллий қадрият намунаси, яъни Шарқ халқларининг бой мероси саналади. Ва, табиийки, бундай умумхалқ хашарлари одамларни аҳиллик ва ҳамжихатликка чорлаши баробарида юртнинг тўқинлиги, ободлиги, фаровонлигини таъминлашда муносиб ўрин тутлади.

Яшарини ва янгилашни айёми — Наврўзи олам арафасида шаҳару қишлоқлар, овулу маҳалла-кўйларда яшилликка бурканаётган гўзал боғ-роғлар, кўзларни қувватувчи гулу гулзорлар пайдо бўлаётди. Қўча-қўй, ҳовли-жойлар, зиёратгоҳ ва қадимийлар сутириб-сидирилмоқда, арик-зовурлар тозаланмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати, меҳр-оқибат, хайр-саховат сингари улғу фазилатлар ўз аксини топган Ватанимизда байрам баҳонасида ўзгалар кўмағига мухтож, кам таъ-

минланган, эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойларини таъмирлашга кўмаклашиш, мухтожларга моддий ёрдам кўрсатиш, беморлар ҳолидан хабар олишдек азалий одатлар беиннат кўринишида намоён бўлади. Қўкламойнинг қадамлари қутлуғ келаётгани ҳар биримизни қувонтирмоқда. Юз ёшни қаршилаётган отахону онахонларимизнинг халқона дуоларида хикмат яширин. Эрта баҳордаги ҳар бир тadbirkorлик ризку насибанинг бутунлигига ишора.

Бу йил Ватанимиз мустақиллигининг шарафли 25 йиллигини нишонлаймиз. Давлатимиз раҳбари таъқидлаганидек, янги тарихимизнинг энг ёрқин саҳифасини ташкил қилган ана шу буюк санага ҳар жиҳатдан муносиб ва самарали улғуш кўйиш ўзини Ўзбекистон фуқаросиман, деб ҳис қилган инсонлар учун улкан ифтихордир. Дехқонки дона сочар, элга ризқ йўлини очар, деганларидек, куни кеча эса бутун юртимизда хайрли ташаббус қанот ёйди: қут-баракати келиши умид қилинган жорий йилимиз, яъни мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига атаб 25 тупдан қўчат экиб, юртимизни янада обод ва жаннатмонанд ўлкага айлантирмоққа бел боғланди! Эзгуликка йўғрилган бу ташаббус халқимиз дастурхонини тўқинлиги, гуркираган боғлар, гулзору чаманзорлар, бир сўз билан айтганда, бунёдкорлик тимсолига айланиб қолажак!

«Очиқ мулоқот»га чорлаймиз!

Ютуқлар ўзимизники, муаммолар ҳам

О`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва «XXI аср» ижтимоий-сиёсий газетаси ҳамкорлигида ўтказилган навбатдаги «Очиқ мулоқот» Президентимизнинг 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳиятини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш масалаларига бағишланди.

Жонли мулоқотни очар экан, О`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содикжон Турдиев йиғилганларга янги йилнинг эсда қоларли воқеалардан бири сифатида эътироф этилаётган давлатимиз раҳбари маърузасининг бевосита кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари фаолиятига оид қисмига бафуржа тўхталиб ўтди.

— Мухтарам Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга кўпроқ эркинлик бериш, ривожлантириш йўлидаги ортинча бюрократик тўсиқ ва фовларни бартараф этишга қаратилган узоқни кўзлаб юритилаётган изчил сиёсат бу борадаги муваффақиятларнинг муҳим омилига айланди.



Бугунги осойишта ва тобора фаровонлашиб бораётган юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида Ўзбекистон жаҳон майдонида ўз ўрни ва нуфузига эга давлатлар қаторидан жой олганлиги ва бунда

партияимиз электорати асосини ташкил этувчи ишбилармон юртдошларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги алоҳида аҳамиятга молиқдир.

3 →

Етакчилик мавқеи ва масъулият юки

МАЪЛУМКИ, 2014 ЙИЛНИНГ ОХИРИДА БЎЛИБ ЎТГАН САЙЛОВЛАР НАТИЖАЛАРИГА КўРА О`zLiDePНИНГ ПАРЛАМЕНТ КЎЙИ ПАЛАТАСИДА ҲАМ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ ВА ТУМАН (ШАҲАР) КЕНГАШЛАРИДА ҲАМ БОШҚА СИЁСИЙ КУЧЛАРГА НИСБАТАН КўПРОҚ ЎРИННИ ЭГАЛЛАГАН ПАРТИЯМИЗНИНГ ЕТАКЧИЛИК МАВҚЕИ ТОБОРА МУСТАҲҚАМЛАНИБ БОРАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ. ЗЕРО, ҲОЗИРДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТЛАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЖАМИ 806 ТА ДЕПУТАТЛИК ЎРНИНИНГ 307 ТАСИ ЁКИ 38 ФОИЗИ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ 5181 ТА ДЕПУТАТЛИК ЎРНИНИНГ 1806 ТАСИ ЁКИ 35 ФОИЗИ О`zLiDePГА ТЕГИШЛИЛИГИ ФИКРИМИЗНИНГ ЁРҚИН ДАЛИЛИДИР.

Сайловларда қўлга киритилган муваффақият, ўз навбатида, маслақдошларимиз зиммасидаги масъулият юкини бир неча баробар оширди. Чунки партиянинг сайловлардан кейинги фаолияти самараси кўп жиҳатдан давлат ҳокимиятининг ва-

киллик органларига сайланган депутатларнинг ташаббускорлиги, қонундорларимиз зиммасидаги масъулият юкини бир неча баробар оширди. Чунки партиянинг сайловлардан кейинги фаолияти самараси кўп жиҳатдан давлат ҳокимиятининг ва-

лик гуруҳлари яқунига етган йил ва жорий йилнинг ўтган даврида нима-ларни қилишга улғурди, деган савол атрофида мулоҳаза юритиш айни муддаодир.

4 →

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 1 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек, боғичона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)
*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъzur валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки солиб олиш мажбурийлигини олмайди.

1 Австралия доллари	2038,21
1 Англия фунт стерлинги	3960,73
1 Дания кронаси	418,44
1 БАА дирҳами	777,76

1 АКШ доллари	2856,64
1 Миср фунти	364,83
1 Исландия кронаси	22,05
1 Канада доллари	2111,49

1 Ҳитой юани	436,27
1 Россия рубли	38,04
1 Украина гривнаси	105,59
1 Малайзия ринггити	678,05

1 Польша злотийси	713,93
1 СДР	3966,44
1 Туркия лираси	956,87
1 Швейцария франки	2865,24

1 ЕВРО	3211,42
10 Жанубий Корея вони	23,06
10 Япония иенаси	252,24

Янги қонун лойиҳалари муҳокамаси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ, «XXI asr» мухбири

Фракция аъзоларининг фикрича, мазкур қонун лойиҳаси Молия вазирлиги томонидан иш стажини тўлиқ бўлмаган чоғдаги умумий асосларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи минимал талаб қилинган иш стажини ушбу соҳада хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида 7 йилга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган. Халқаро меҳнат ташкилотининг «Ижтимоий таъминотнинг минимал нормалари тўғрисида»ги Конвенциясига мувофиқ ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб қилинган стажнинг минимал миқдори 15 йил этиб белгиланган. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида ёшга доир пенсия тайинлаш учун минимал талаб қилинган иш стажини 10-15 йил атрофида белгиланган.



Шу билан бира мазкур қонун лойиҳаси орқали «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 56-моддасига бошқа қонун ҳужжатларидаги нормаларга мувофиқлаштириш мақсадида ўзгартириш киритиш назарда тутилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши иш стажини пенсия миқдори билан узвий боғлаш, фуқароларнинг ўз пенсияларига бўлган ҳуқуқларини шакллантиришдаги иштиникини кенгайтириш, республика бўйича ўртача пенсия миқдорини кўпайтириш имконини беради, — дейди О'зLiDeP фракцияси аъзоси Соҳибжон Исмаилов. — Шуларни ҳисобга олган ҳолда мазкур ҳужжат-

теъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасида ҳам кўзда тутилган бўлиб, унга қўра ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) давлат бошқаруви органининг кўрсатмасини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақиқидир.

«Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддасига асосан назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан давлатга қарши давлат органининг қарорларини (кўрсатмаларини) тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақиқидир.

Шу муносабат билан янги қонун лойиҳаси орқали «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонунининг 20-моддасига ҳамда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддасига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимча қи-

ритиш кўзда тутилмоқда. Унга қўра, монополияга қарши давлат органининг қарорларини (кўрсатмаларини) тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ариза билан нафақат судга мурожаат этиш, балки қарор (кўрсатма) ни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги ариза билан буйсуниш тартибиде юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиш ҳуқуқи кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, лойиҳада судга ариза берилганида устидан шикоят қилинаётган давлат бошқаруви органининг кўрсатмасини ижро этиш суднинг қарори қонуний кучга киргунга қадар тўхтатиб турилиши билан аниқ норма киритилмоқда. Фавқулдда вазиетлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиги учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ бўлган кўрсатмалардан бундан таъясно, албатта.

Фракциянинг аъзоларининг алоҳида таъкидлашича, амалдаги қонунчиликка киритилиши мўлжалланаётган бундай янги меъёрлар О'зLiDeP электорати манфаатлари, партиянинг дастурий мақсадлари ва Сайловолди платформасига мос келади.

Йиғилишда, шунингдек, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Қон ва унинг таркибий қисмлари долорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари ҳам иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Солиқ юки камайиб, даромадлар кўпаймоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Хусусан, жисмоний шахслар учун солиқ мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш мақсадида кодекснинг 59-, 61- ва 62-моддаларида жисмоний шахсларнинг муддатда тўланмаган мол-мулк ва ер соликларидан бўлган қарзорлигини ундириш тўғрисидаги қўшимча талабнома ўрнига давлат солиқ хизмати органларига судга мурожаат қилиш ҳуқуқини берувчи норма мустақамлаб кўйилди. Юридик шахслар учун назарда тутилган барча мажбурий ундириш чоралари қўлланилганлиги боис яқка тартибдаги тадбиркорлар учун бу қонда таъибқ этилмайд.

Шу билан бир қаторда кодексга Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан йил якуни бўйича ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари, жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда ягона ижтимоий тўлов ва сўғурта бадаллари бўйича ҳисоб-китоб тақдим этилишининг аниқ муддатлари белгиланди. Бу эса Ўзбекистон

Республикасининг норезидентлари ва солиқ органлари ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олдини олади.

Таъкидлаш жоизки, 2015 йил 3 июндаги «Қимматли қозғалар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни амалга ошириш мақсадида ҳам Солиқ кодексининг бир нечта моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, 152-моддага киритилган ўзгартиришга биноан, қимматли қозғалар бозори профессионал иштирокчиларининг хизматларини реализация қилишдан олинандиган даромадлар таркибидан қимматли қозғалар эгалари реестрини юритиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинандиган даромадларни ва ҳисоб-китоб-клиринг фаолияти бўйича даромадларни чиқариб ташлашни назарда тутди. Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ эса Қимматли қозғалар марказий депозитарийси қимматли қозғалар бозорининг профессионал иштирокчиси ҳисобланмайд.

39-моддага биноан қимматли қозғалар эгаларининг реестрларини юритиш Қиммат-

ли қозғалар марказий депозитарийсининг мутлак вазифасига қиради.

Қолаверса, 155-, 158- ва 179-моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар «Қимматли қозғалар бозори тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддаси учинчи қисмига мувофиқлаштирилди. Ушбу моддага асосан сотувчининг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентнинг тузилган битим бўйича даромадларига юридик шахслардан олинандиган фойда солиғи ва жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи солинмайд.

229- ва 330-моддаларга киритилган ўзгартиришлар қонуннинг 56-моддасига мувофиқлаштирилди. Унга қўра, қимматли қозғалар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи инвесторларнинг, қимматли қозғалар эгаларининг ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат божига тўламадан судда даъво кўзғатишга ҳақиқидир.

Қисқача айтганда, тизимда олиб борилмаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли мамлакатимизда солиқ юки борган сари камайиб, унинг шартлари мўътадиллашмоқда. Табиийки, бу аҳоли, тадбиркор ва фермерларнинг даромадига даромад кўшаётир.

Кучли фуқаролик жамияти сари

Пойтахтимизда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ташаббуси билан «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг сифат ва миқдор ўзгаришлари» мавзуда конференция ўтказилди.

Анбар МУЗАФФАРОВ, «XXI asr» мухбири

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, етакчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, Ўзбекистонда акредитациядан ўтган хорижий ва халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Конференцияда иштирокчилар эътиборига 2015 йил давомида мамлакатимизда фуқаролик жамияти ҳолатининг мониторинг натижалари тақдим этилди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг амалга оширилиши ушбу муҳим соҳада демократик ислохотларнинг янги даврини бошлаб берди. Жумладан, ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган демократик ўзгаришлар, фуқаролик жамияти институтилари, сиёсий партиялар

бозорида барқарорликка эришиш бўйича муҳим дастурлар ижросини таъминлашга кенг жалб этилмоқда, — дейди Ўзбекистон нодавлат ношароат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгаши раиси Абдулжаҳид Каримов. — Қолаверса, аҳолида фаол фуқаролик позицияси шаклланиётгани, уларда юрт тараққиётига дахлдорлик ҳисси ортаётгани фуқаролик жамиятининг равнақ топишида асосий омил бўлаётир. Институтизмиз ва бошқа экспертлар жамоаси томонидан ўтказилган тадқиқотлар ҳамда ижтимоий сўровлар шуни кўрсатмоқдаки, фуқароларимизда ўз конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ англаган ҳолда, кенг қўламли ислохотларда муносиб иштирок этиш кайфияти кучайиб бормоқда.

Шунингдек, 2015 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат ношароат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган грант танловларидаги ННТлар сони сезиларли даражада ошганини кўриш мумкин. Агар 2010 йилда бундай танловларда 275 ННТ иштирок этиб, улардан 82 таси галиб деб топилган бўлса, ўтган йили 528 ННТдан 177 таси грант маблағларини қўлга киритди. Йиғилишда сиёсий партиялар фао-

лиятни таҳлил қилинар экан, уларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги роли ортиб бораётгани алоҳида тилга олинди. Ҳудудий вакиллик органларида партиялар гуруҳларининг ижро ҳокимияти фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга ошириш, жойларда қонунлар ва қарорлар ижросини назорат қилиш ташаббусларини илгари суришдаги фаолияти ўсиб бормоқда. Жумладан, 2014 йилда 1598 депутатлик сўрови йўлланган бўлса, ушбу кўрсаткич 2015 йилда 3505 тани ташкил этган.

Ишчанлик руҳида ўтган конференцияда, шунингдек, ҳудудлардаги долзарб масалаларни ҳал қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ваколат ва таъсир кучини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг манзилли ижтимоий муҳофазасини амалга ошириш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тақомиллаштириш бўйича олиб борилмаётган ишлар юзасидан фикр алмашилди.

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида юксак самараларга эришганини алоҳида таъкидлашди.



ҲУДУДЛАРДАН хабарлар

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. О'зLiDeP Амударё туман кенгаши хотин-қизларнинг саломамлигини ҳимоя этиш, уларнинг спортга бўлган қизиқишини янада кучайтириш мақсадида хотин-қизлар ўртасида волейбол бўйича мусобақа ўтказди. Унда туман тиббиёт бирлашмаси, маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчилари, халқ таълими муассасалари жамоалари ўзаро беллашишди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетиде 13,1 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилиб, муассасанинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, университет ҳудудида жойлашган Бердақ музейи ҳам қайтадан таъмирланди.

ТОШКЕНТ шаҳар ҳокимлигида «Тошбозорсаво» уюшмаси мутасаддилари томонидан ўтказилган брифингда пойтахт бозорларида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлиги ҳусусида сўз юритилди. Хусусан, Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улғуржи бозори, Авиасозлар, Наврўз, Сергели ва Юнусобод деҳқон бозорларида кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш билан боғлиқ юмушлар олиб борилган бўлса, эндиликда Олой ҳамда Миробод деҳқон бозорларида ҳам бунёдкорлик ишлари бошланди. Сўнгги 7 йил давомида пойтахт бозорларида олиб борилган бу каби ишларга 63,6 миллиард сўм йўналтирилган бўлса, бу йил режага киритилган икки лойиҳани бажариш учун 15 миллиард сўм миқдориде маблағ сарфланади. Таъмирлаш ишлари даврида мазкур бозорлардаги савдо-сотик жараёни тўхтатилмайд.

Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ва Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан ҳамкорликда Глобал экологик фондининг Кичик грантлар дастури ва ИКАРДА Билимларни бошқариш лойиҳаси иштирокида «Ўзбекистонда писта боғларини ривожлантириш истиқболлари» мавзусида давра сўхбати ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистонда пистачиликни ривожлантиришнинг тажрибаси ва истиқболлари кўриб чиқилди. Иштирокчилар мазкур соҳада фаолият олиб бораётган мутахассислар ва экспертларнинг шу борадаги изланишлари натижалари билан таништирилди.

ТОШКЕНТ вилояти. Қибрай туманидаги Чингелди маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан «Инновацион таълим технологияларини амалиётга жорий этишни тақомиллаштириш» мавзусидаги тренингнинг дастлабки босқичи бошланди. Семинарда Тошкент ва Сирдарё вилоятидаги касб-ҳунар коллежларидан 50 нафарга яқин махсус фан ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқариш усталари иштирок этмоқда. Биринчи босқич бир ҳафта давом этади. Тренинг якунида синовлардан муваффақиятли ўтган тинловчилар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан махсус-модератор мақомини берадиган сертификатта эга бўладилар.

НАМАНҒАН вилоятида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 590 миллион сўмлик маблағи ҳисобига Норин туманидаги 4-умумтаълим мактабиде янги замонавий спорт зали фойдаланишга топширилди. «Баркамол қурилиш сервис» МЧЖ қурувчилари томонидан бунёд этилган мажмуада ўқувчилик эндидида спортнинг 10 дан ортиқ тури билан йил мобайнида мунтазам шугулланиш имкониятига эга бўлдилар. Шунингдек, ана шундай яна бир иншоот вилоятнинг тоғли тумани — Янгиқўрғоннинг Зарбдор қишлоғидаги 4-умумтаълим мактабиде ҳам фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 606 миллион 887 миңг сўмлик маблағи эвазига қад ростлаган мазкур иншоот мактаб ўқувчиларига ажойиб совға бўлди.

ФАРҒОНА вилояти. О'зLiDeP Тошқоқ тумани кенгаши ташаббуси билан «Водийгазтаъминот» унитар корхонаси туман бўлими корхонасида давра сўхбати ўтказилди. Тадбирда сиёсий партияларнинг фуқаролик жамияти шаклланишидаги роли, либерал ғоялар моҳияти ҳақида сўз юритилди. Ўтказилган ушбу давра сўхбатида асосий эътибор партиядан сайланган депутатларнинг ўз сайловчиларини олдидаги масъулият ва ҳисобдорлигини таъминлаш, жойлардаги юзага келган муаммоларни ўрганиш, уларни партия воситалари орқали ҳал этишда бошланғич партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлигини кенг йўлга қўйишни тизимли ва самарали ташкил қилишга қаратилди.

АНДИЖОН вилояти. Асака педагогика ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида «Менинг бизнес ғоям (режам) — оилам таянчи» мавзусида танлов ўтказилди. Унда Асака педагогика ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи талабалари Мухтасар Аҳмедова, Тўхтақон Одилова, Озодбек Эргашев, Мадинахон Улмасова шифобахш ўсимлик ёғларидан фойдаланиш, чорва учун грануланган озуқа тайёрлаш, мева-салмават маҳсулотларини қуритиш ва қадқоқлаш, ундирилган бугдойдан шифобахш нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашга оид янги йўналишдаги лойиҳалари билан иштирок этдилар.

САМАРҚАНД шаҳридаги 3-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде «Соғлом ва баркамол авлод — келажакимиз пойдевори» мавзусидаги амалий учрашув ўтказилди. О'зLiDeP вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда вилоят Солиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали раҳбар ва мутахассислари қатнашди. Йиғилишда вилоят бўлимида 153 миңг 890 нафар ўғил-қиз спортнинг 60 га яқин тури билан мунтазам шугулланаётгани қайд этилди ҳамда мазкур кўрсаткичнинг янада яхшиллаш юзасидан тақлим ва мулоҳазалар муҳокама қилинди. Йиғилиш якунида номдор ва ёш спортчиларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

СУРХОНДАРЁ вилояти. Бойсун тумани ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзоси Шокиржон Умиров турли нуфузли олий ўқув юрларида таҳсил олаётган маҳаллий ёшлар билан учрашув ўтказди. Битирувчи талабалар ҳисобидан кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида ташкил қилинган анжуманда ҳудудда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўз борди. Бундай учрашувларда шу тумандан етишиб чиққан давлат ва жамоат арбоблари, адиллар, санъаткорлар иштирок этмоқда. Бундай тадбир натижасида ҳудуднинг келгуси равнақи йўлида астойдил меҳнат қилишга шай ёшларни зарбдор жабҳаларга йўллаш борасида сезиларли ўзгаришлар бўлаётир.

ЖИЗЗАХ вилояти. О'зLiDePнинг истиқболли лойиҳаларидан бири — «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасидаги семинар-тренинглр вилоятда уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Ақция доирасида мавжуд 75 та касб-ҳунар коллежининг қарийб 20 миң нафар битирувчиси қамраб олиниши кўзда тутилган бўлиб, тақвим режа асосида иш олиб борилапти. Унга мувофиқ, ҳар бир туман (шаҳар) ҳудудидаги касб-ҳунар коллежларида лойиҳа учун масъул шахслар тайинланган, ҳамкорлар иштирокида комиссия фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, вилоятда яшаб ишлаётган илғор тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерларнинг иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида улар билан учрашув, очиқ мулоқот ташкил этилади. Жиззахлик партиядошлар лойиҳани самарали амалга ўтказишга шай — қўрилган чоралар шундан дарак беради.

СИРДАРЁ вилояти. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий кенгашлардаги О'зLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, БПТ етакчилари, партиянинг туман ва шаҳар кенгаши раҳбарлари ва масъул ходимлари, бир қатор ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида «Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг бажарилишида О'зLiDeP тузилмалари ва депутатларнинг муҳим вазифалари» мавзусида ўқув-семинари ташкил этилди. Унда партия шаҳар ва туман кенгашлари аъзолари гуруҳларга бўлинган ҳолда интерфаол усулда машғулот ўтишди. Қатнашчилар маҳаллий кенгашлар депутатлик гуруҳлари ва БПТлар фаолиятини мувофиқлаштириш, 2016 йилга мўлжалланган назорат фаолиятининг асосий йўналишлари юзасидан фикр алмашдилар.

Вилоятда 2015 йили халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳларига фуқаролардан 395 та мурожаат тушган бўлиб, айна мақсадда мутасадди идораларга 63 та депутатлик сўрови юборилди. Пировардиде мурожаатларнинг 93,5 фоизи қаноатлантирилди.

ОЧИГИНИ АЙТГАНДА...

О'зLiDeP Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

Ютуқлар ўзимизники, муаммолар ҳам

С Давоми. Бошланиш 1-саҳифада

Хусусий мулк ҳуқуқлари ва унинг ҳимоясини мустаҳкамлаш мақсадида сўнгги йилларда ўн бешдан ортиқ қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва улар бевосита тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлашга қаратилганидан хабарингиз бор, албатта.

Айниқса, Юртбошимизнинг 2015 йил 15 майдаги фармони ва шу асосда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун тадбиркор манфаатларини ҳимоялаш ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлади.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Ер, Уй-жой, Солиқ кодексларига, шунингдек, «Дехқон хўжалиги тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги каби 40 дан ортиқ қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш ҳамда хўжалик

қоритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига таъвоуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик белгиланди. Ушбу қонун О'zLiDeP дастурий ғояларига, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари манфаатларига тўла мос келиши билан ҳам биз учун алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва рақобатдошлигини ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш каби устувор ва-

зифалар билан ҳамоҳангдир. Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат Солиқ қўмитаси, етакчи тижорат банклари, Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки хузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши масъул ходимлари тадбир иштирокчиларига таништирилди. — Иқтисодиётимизда ўзи кичик, улуши катта соҳа вакиллари эришадиган ютуқлардан қанчалик фахр-



лансак, жойларда оз бўлса-да учраб турган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга ҳам шунчалик жиддий киришмоғимиз керак. Шу боис «Очиқ мулоқотда очиқча гаплашиб олайлик. Бугунги тадбиримиз ҳақида га-зетамизда олдиндан эълон берилгани тўғрисида мулоқотлардан электрон почтамаизга қатор саволлар келиб тушган. Мулоқотимизни уларга жа-

КРЕДИТ ОЛИШ ОСОНМИ?

Савол: — Коллеж битирувчиси 10 та иш ўрнига эга қорхона ташкил этиш мақсадида банкка имтиёзли кредит учун «Бизнес режа» тақдим этганди. Лойиҳа маъқулланди. Аммо банк камиди кредит суммасига мос гаров талаб этди. Бусиз илҳоми йўқми? Мурод Саидбоев, Жиззах шаҳри.

Жавоб: — Банкдан кредит олаётган шахс келажакда уни қайтара олиш кафолатига эга бўлиши шарт, — деди Марказий банк тижорат банклари инвестициялар портфелини мониторинг қилиш департаменти бошқарма бошлиғи Комрон Ўтборсаров. — Дунёда рўй бераётган иқтисодий инқирозга ҳам аслида маълум даражада қайтарилиши кафолатланмаган кредитлар сабаб бўлаяпти. Шу боис мамлакатимиз банк тизимида қатъий қонун-қоидаларга амал қилинади. Агар кредит олувчида бундай имконият бўлмаса, бошқа мулк эгаси кафолат бериши мумкин.

Савол: — «Микрокредитбанк» Шаҳрихон филиалидан қорва моллари сотиб олиш учун кредит олмакчи эдим. Банк ходимлари тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олишди. Орадан анча муддат ўтгач хабар олгани борсам, ҳужжатларим Тошкентга юборилганини айтишди. Хуллас, уч ойдан бери овораман. Наҳотки, банк филиали бу ишни мустақил ҳал қилолмаса?

Шавкат Қозоқов, Шаҳрихон туманидаги «Истиклол-сотли қорваси» МЧЖ раҳбари.
Жавоб: — Балки сиз мурожаат этган банк

филиалининг имкониятлари етарли эмасдир. Бошқа банкка, масалан, «Халқ банк»га учранг. Бундан ташқари хусусий банкларнинг ҳам имкониятлари етарли. Нима бўлганда ҳам қўл силтаб кетманг. Тадбиркор бўлишнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор. Уларни енга олганларгина яхши натижаларга эришади. Қайфиятни туширмай, ҳаракат қилаверинг. Масалага аниқлик киритишда биз албатта ёрдам берамиз.

Савол: — Кредит учун кафилигим бўлса-да, банк ходими яна бир қатор ҳужжатлар тайёрлашимни сўради. Шундай оворагарчилик шартми?

Наргиза Абдуразоқова, Зомин тумани.

Жавоб: — Қўриб турганингиздек, банкдан пул олишнинг ҳам талай шартлари бор. Ҳақиқий тадбиркор бўлиш учун уларни обдон ўрганиб чиқиш лозим. Эртдан кечгача тер тўкиб ишлашнинг ўзи билан иш битмайди. Нафақат банкка, балки ишлаб чиқариш фаолиятига оид барча тартиб-қоидалар, қонун ва қонуности ҳужжатлари билан таниш бўлмаган тадбиркор ҳар қадамда муаммога учраши мумкин. Бундан ташқари, бир ишни бошлашдан аввал соҳа мутахассислари, жойлардаги ҳокимликлар қошидаги ихтисослашган марказлар, Савдо-саноат палатаси каби ташкилотлар ҳамisha хизматингизда эканини унутманг.

Фарҳод Алимжонов, «Микрокредитбанк» АТБ кредитлаш департаменти бош мутахассиси

ЭКСПОРТ ҚИЛМОҚЧИМИСIZ, МАРҲАМАТ!

Савол: — Фермер хўжалигимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирамиз. Жорий йилда уларни экспорт қилишни режалаштирялман. Мен каби хориж бозорига чиқмоқчи бўлганлар учун маълум бир имтиёзлар борми?

Савол: — Кредит учун кафилигим бўлса-да, банк ходими яна бир қатор ҳужжатлар тайёрлашимни сўради. Шундай оворагарчилик шартми?

Наргиза Абдуразоқова, Зомин тумани.

Жавоб: — Албатта. Бунинг учун маҳсулотларингиз хорижий ҳамкорлар талабларига тўла жавоб бериши лозим, холос. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки хузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасига мурожаат қилсангиз, ташқи бозорни ўрганиш ва хориждан ишончли ҳамкор топишда амалий ёрдам беради. Чет элларда бўладиган халқаро кўргазма ва ярмаркалар, тендерларда қатнашиш учун тегишли ҳужжатларни олиш, экспорт шартномалар тузиш, тегишли банкда рўйхатга қўйиш каби ҳуқуқий хизматлар кўрсатиши ҳам жамғарма ўз зиммасига олади.

Миразиз Исоқов, Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси етакчи мутахассиси.

АНИҚЛИК КИРИТИЛАДИ

Таклиф ва савол: — Фермер хўжалиқларини оптималлаштириш жараёнида 316 гектарлик экин майдонимиз 155 гек-

тарга қискарди. Натижада олинган кредит, лизинг тўловларини амалга ошириш имкониятларимиз муайян даражада камайди. Бундай ҳолатда, менимча, тўлов муддатларини тегишлича узайтириш лозим. Ақс ҳолда фермер мушкул ахволга тушиб қолиши аниқ. Таклифимни ўрганиб, амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Гўзал Шукурова, Қибрай туманидаги «Истиклол Шукурова» фермер хўжалиги раҳбари.

«Очиқ мулоқот»га таклиф этилган юзга яқин тадбиркор ва фермерларнинг ўнлаб саволларига тегишли муассасалар ходимлари атрофлича жавоблар қайтаришди. Лекин тан олиш керак, мулоқотда очиқ қолган саволлар ҳам бўлди. Чунки юзма-юз суҳбат учун ажратилган вақт аллақачон тугаган эди. Шундай бўлса-да, тахририят телефонлари орқали берилаётган саволлар, таклиф ва мулоҳазалар кечгача тинмади. Лекин биргина тадбирда барча саволларга жавоб қайтариш, турли хил мазмундаги мурожаатларни таҳлил этиш осон эмас, албатта. Аммо бир нарсаси — иштирокчиларнинг анчайин фаолаштирилганлиги, бугунги тадбиркор ҳам, фермер ҳам фақат ўз манфаатини эмас, кўпроқ жамоатчиликни ўйлантираётган муаммоларга ўзини дахлдор сезаётгани бизни қувонтирди. Бу эса аслида табиий эди. Чунки тезкор замон, мавжуд муҳит бизга қараб мослашмайди. Аксинча, биз муҳитга мослашимиз лозим. Яна бир гап: мулоқотда кўтарилган

айрим муаммолар жойларда баъзи бир мутасаддилар ўз зиммаларидаги масъулиятни етарлича ҳис этмаётганини яна бир бор намоён этди. Бундай ҳолатларнинг олдини олишда эса хозирча бироз суст бўлса-да, урфа айлини бораётган жамоатчилик назорати институти имкониятлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жумладан, депутатлик ва партиявий назорат механизмлардан фойдаланиш ўз самарасини бериши шак-шубҳасиздир. Юқорида тафсилотлар баён этилган «Очиқ мулоқот» ҳам аслида жамоатчилик назоратининг амалдаги бир кўринишидир. Аммо битта мақолада юзлаб саволларнинг барчасига батафсил жавоб бериш имконияти йўқ. Шу боис тахририят мулоқот иштирокчилари саволлари атрофлича ўрганиб чиқиши зарурлигини инобатга олиб, уларни тегишли идораларга йўллаш, жавобларни эса газета саҳифаларида бериб боришга қарор қилди. Бундан ташқари, ҳар ойда бир маротаба очиқ ва ошқора мулоқотлар ўтказиш ҳам режалаштирилмоқда.

Мулоқот тафсилотларини «XXI asr» мухбирлари Темур АБДУРАҲИМОНОВ, Мусурмон РЎЗИЕВ, Рисолат МАДИЕВА, Фахриддин НУРАЛИЕВ, Солиқ ЗОИР (суратлар), тайёрлашди.

ХУСУСИЙ СЕКТОР

Ҳуқуқий ҳимоя тақомиллашмоқда

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Асосий қонунимиз мустақил, суверен демократик давлат барпо этиш баробарида кўп укладли бозор иқтисодиёти таркибида хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлаш, шунингдек, инсон манфаатлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам пойдеворига айланганлиги алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, Бош қонунимизнинг 53-моддасига мувофиқ, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуворлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларида тенг ҳуқуқлигини ва орадан-барабар муҳофиза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартиблагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Мазкур норма жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у биринчидан, давлатнинг иқтисодий сиёсатидаги асосий тамойилларни ва бу йўналишларнинг мазмун-моҳиятини конституциявий талаб даражасида эътироф этади, иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг бозор муносабатла-

рига асосланганлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Шу ўринда Конституция талабларига кўра хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уни жадал ривожлантириш йўлидаги айрим тўсиқларни бартараф этишни назарда тутувчи қонунларнинг мунтазам равишда тақомиллаштириб борилиши натижада бугунги кунга келиб кичик бизнеснинг мамлакат ялли ички маҳсулотидagi улуши 56,7 фоизга етганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Давлатимиз раҳбари Вазирад Махкамасининг 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлисида хар томонлама пухта ўйланган, узокни кўзлайдиган кенг қўламли Дастурни ҳаётга жорий қилиш ҳақида сўз юритар

экан, барчамизнинг эътиборимизни чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, Конституциямизда кўзда тутилган тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Амалдаги 40 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутган ушбу қонуннинг аҳамиятини эътироф этган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтиш мақсада мувофиқдир. Чунки мазкур қонун давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатларини таъминлашда улар иштирокчилари янада оширишга қаратилганлиги билан эътиборга лойиқ.

Масалан, шу қонуннинг олдинги таҳрирдаги 5-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар, кафо-

латлар ва ҳуқуқлар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган тадбиркорлик субъектларига улар томонидан ваколатли органлар ва ташкилотларга (давлат солиқ, божхона хизмати органлари, давлат статистика органлари, банклар ва бошқаларга) имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлар хусусиятидан келиб чиқиб, улар кичик тадбиркорлик субъектлари эканлиги ҳақида хабарнома тақдим этган ҳолда қилинган мурожаатлар асосида берилар ва бундай хабарноманинг тўғрилиги учун жавобгарлик хабарномани тақдим этган тадбиркорлик субъектлари зиммасига юклатилган эди. Янги таҳрирда эса «Кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган тадбиркорлик субъектлари томонидан ваколатли органларга ва ташкилотларга (давлат солиқ, божхона хизмати органлари, давлат статистика органлари, банкларга ва бошқаларга) ёзма равишдаги мурожаатларсиз қўлланилади» деб белгиланди.

Шунингдек, мазкур қонун «Тадбиркорлик фаолияти субъектларига берилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллашнинг кафолатлари» деб номланган 30-модда билан тўлдирilib, унда «Давлат органлари,

уларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида берилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш тартибини ўз ваколатлари доирасида тушунириши, шунингдек, уларнинг қўлланилишини таъминлаш шарт»лиги белгиланди. Бу билан давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари зиммасига кичик бизнес субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва преференцияларни сўзсиз қўллаш масъулияти юклатилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам диккатга молик. Чунки ушбу ўзгаришлар «хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир» дея таърифланган конституциявий нормани амалда янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Эндиликда шу қонун 9-моддасининг олтинчи қисми янги таҳрирда баён этилиб, унда «Дехқон хўжалигининг ер участкасини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйишга қонунда назарда тутилган ҳолларда, фақат бошқа тенг қимматли ер участкаси берилиб, дов-дархатларнинг, бузилаётган бинолар ва иншоотларнинг бозор қиймати қоплангандан кейин ёхуд улар бошқа жойга кўчирилгандан кейин ўзга бинолар ва иншоотлар қурилгандан кейин ҳамда бошқа

Абдуманноб РАҲИМОВ, Фарҳод ИРКАХОДЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди экспертлари.

ЕТАКЧИЛИК МАВҚЕИ ВА МАСЪУЛИЯТ ЮКИ

◀ Давоми. Бошланиш 1-саҳифада

КУЙИДАН – ЮКОРИГА

Давр шиддатига ҳамоҳанг ҳозирги шароит О'зЛиДеР олдида партиядан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги амалий иштироки, электрот манфаатлари ифодаланган қонунларнинг жойлардаги ижроси устидан депутатлик назоратини ўрнатиш ҳам долзарб масалалар сирасига киради.

РАҚАМЛАР — ТАҲЛИЛЛАР

Айни пайтдаги маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашларидаги О'зЛиДеР депутатларининг 194 нафари, туман (шаҳар) Кенгашларида вакилларимизнинг 1352 нафари биринчи маротаба депутатликка сайланганини қўйишимиз мумкин. Шунингдек, партиямиздан вилоят кенгашларида сайланганларнинг 51 нафари ёки 16 фоизи, туман (шаҳар) кенгашларидаги сафдошларимизнинг 452 нафари ёки 25 фоизи 40 ёшгача бўлган депутатлардир.

Шу маънода, ўтган йили «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳларининг назорат функцияларини амалга ошириш, долзарб вазифаларни бажаришда партия бўғинлари ва депутатлар ҳамкорлигининг самарали усуллари» мавзуда жойларда ўтказилган туркум амалий семинарлар ўзига хос аҳамият касб этди, десак муболаға бўлмайди.

Уларда, аниқроғи, семинарларнинг назарий қисмларида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзолари, партия Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходимлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари партиявий фаолиятнинг долзарб масалалари юзасидан маърузалар қилдилар.

Амалий қисмларда эса иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда назорат-таҳлил фаолиятини ташкил этиш, ижро ҳоқимияти идоралари раҳбарларининг ҳисобот ёки ахборотларини эшитиш, депутатлик сўрови юбориш ва унда қўрилган масалалар бўйича асосланган тушунтириш ёки раҳбарнинг нуқтаи назари баён қилинган маълумот олиш усуллари бағишланган машғуллотларда фаол қатнашдилар.

Жиддий мунозаралар тарзида ўтган мулоқотларда масъул мансабдор шахсларнинг ахборотларини муҳокама қилиш асосида депутатлик гуруҳининг мазкур масала юзасидан аниқ позициясини белгилайдиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси юзасидан ҳоким, унинг ўринбосарлари, мутасадди ва масъул ижрочиларнинг эшитувларини ташкил этиш ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари сессиялари кун тартибига киритиш билан боғлиқ амалий ишлар муҳокама этилди.

Натижада депутатлик гуруҳларининг фаолиги сезиларли равишда ошиб, «қуйидан – юқорига» тамойили асосида партиянинг барча тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигининг амалий самараси кўзга ташлана бошлади. Яъни, 2015 йил давомида О'зЛиДеР депутатлик гуруҳлари томонидан 316 та назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилиб, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда ижро идоралари раҳбарларининг 1073 маротаба ҳисобот ва ахборотлари тингланди. Мухим масалалар юзасидан турли ташкилотларга 3250 та депутатлик сўрови юборилиб, уларнинг 3220 тасига асосланган тушунтиришлар олинди.

Ушбу кўрсаткичлар 2014 йилдаги нисбатан назорат-таҳлил йўналишида қарийб 2 баробар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий тармоқли фермер хўжаликлари, ривожлантиришга доир инвестиция лойиҳаларининг ўз муддатларида бажарилиши устидан депутатлик назоратини ўрнатиш ҳам долзарб масалалар сирасига киради.



ривожлантириш масалаларига доир эшитувларни ўтказишда 3 марта, муайян масалалар бўйича депутатлик сўровларини юборишда салкам уч қарра ошди. Эътиборли жиҳати, бундай тартибдаги фаолият яқунлари юзасидан депутатлик гуруҳларининг аниқ позицияси ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг мақбул йўли ифодаланган 682 та амалий таклиф ишлаб чиқилди. Шулардан 402 таси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари муҳокамасига киритилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

КЎРСАТКИЧ ИЖОБИЙ, ЛЕКИН...

Юқорида саналган кўпга ижобий натижалар кўлга киритилиши баробарида мавжуд камчилик ва нуқсонларни ҳам тан олишимиз керак. Хусусан, айрим ҳудудий депутатлик гуруҳлари, айниқса, қатор туман (шаҳар) кенгашларидаги вакилларимиз фаолиятида ҳамон мураккаб ҳолати мавжудлиги, баъзи депутатларимизда ҳали-ҳамон шижоат етишмаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Улар депутатлик мансаб эмас, мартаба эканлигини, уни халқ беришини, шунинг учун ҳам депутат халққа хизмат қилиши кераклигини яна бир бор ўйлаб қўришлари керак.

Зотан, депутатларимизда ҳам, О'зЛиДеРнинг қуйи тузилмаларида ҳам партиявий ишларни янада яхшилаш учун имкониятлар етарли. Биргина Тошкент вилоятининг Охангорон туманида олиб бориладиган мониторинг яқунлари ҳам фикримизни тасдиқлайди. Иш самарали ташкил этилганлиги натижасида туман ҳудудига ўнлаб БПТларнинг фаолияти яхшиланди, депутатлик гуруҳи фаолиги ошди, энг муҳими, партия сафига юзлаб

ёшлар келиб қўшилди. Маълумки, БПТлар томонидан партия уставига белгилаб қўйилган вазифаларни бажариш, яъни жамоатчилик фикрининг шаклланишига таъсир кўрсатиш ҳамда партия фаолияти ҳақидаги ахборотни кенг оммага етказиш ишларини ташкиллаштириш, мулкдорлар синфининг қонуний манфаатларини ифодаловчи масалалар бўйича юқори турувчи ташкилотга доимий тарзда таҳлилий материаллар ва таклифлар тақдим этиб бориш билан боғлиқ ишлар ҳамма жойда ҳам яхши, деб бўлмайди.

Биз ушбу мақолада БПТлар ҳақида бекорга гапирмаямиз. Зеро, либерал ғояларни одамлар онгига синдириш билан бирга жойлардаги муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишга кўмаклашиш БПТларнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Таҳлиллар шундан далolat берадики, БПТлар ва депутатлик гуруҳлари алоқалари суст бўлган жойда мавжуд муаммоларни ҳал этишга ёрдамлашиш масалалари ҳам талаб даражасида бўлмаётти. Андижон вилоятидаги Булоқбоши, Асака, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонobod, Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳар кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг 2015 йилдаги самарасиз фаолияти айнан мана шу омил билан боғлиқдир.

ДАСТЛАБКИ МАРРА

О'зЛиДеР депутатлик корпуси ва партиявий тузилмалар зиммасига 2016 йилда таъсирчан депутатлик назоратини ташкил этиш билан бирга, реал ҳаётдан ўзқошмасдан, амалдаги қонунларга қўшимча ва ўз-

Гартишлар киритишга бўлган эҳтиёж ва заруратни ўрганиш каби ғоятда муҳим вазифа юкланган.

Шу боис депутатларнинг сайловчилар ҳамда партия олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини режали ташкил этиш, депутатлик назоратининг барча шакл ва усуллари билан фойдаланиш, шунингдек, қонун ижодкорлигининг прогноз фаолиятида бевосита иштирок этиш мақсадида ташкил қилинаётган ўқув-семинарлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Депутатлик гуруҳларимиз томонидан 2016 йилнинг январь ойида 62 та назорат-таҳлил фаолияти ташкил этилиб, маҳаллий ижро ҳокимияти идоралари раҳбарларининг 119 та ҳисобот ва ахборотлари тингланди. Мутасадди ташкилотларга 211 та депутатлик сўрови юборилиб, уларнинг аксариятига асосланган тушунтиришлар ва мансабдор шахсларнинг нуқтаи назари баён этилган маълумотлар олинди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш кераки, депутат сийёсий жараёнларни чуқурроқ қўзғатиш ва ўзқорқини кўра олиши керак. Шундан кейингина халқ уни тинглайдиган, энг муҳими, унга ишонадиган бўлади. Бунинг учун эса кечагидан кўра икки-уч хисса кўпроқ ва самаралироқ ишлаш лозим. Пировардида О'зЛиДеРнинг Сайловотди платформасидаги вазифалар муваффақиятли амалга ошириб, партиявий фаолият сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилади.

Озод РАЖАБОВ, «XXI asr» мухбири.

▶ МАВЗУГА ҚАЙТИБ...

Тадқиқот — натижа

Яқинда О'зЛиДеР ташаббуси билан «Ёшларнинг интернетдан фойдаланиш масалалари бўйича социологик тадқиқот» ўтказилган эди. Партиянинг Хоразм вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан «Хавфсиз интернет» лойиҳаси доирасида уюштирилган навбатдаги давра суҳбатига ана шу тадқиқотнинг натижаларига бағишланди.

Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалида ташкил этилган мулоқотда О'зЛиДеР Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходими Тоир Салимов, партия ҳудудий кенгаши ҳузуридаги Сийёсий таълим маркази раҳбари Дурдона Қобулова, Халқ

депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши депутати Зебо Тажиева интернетнинг фойдали жиҳатлари билан бирга ундан нотўғри фойдаланишдан келиб чиқадиган турли салбий оқибатлар хусусида атрофича маълумот беришди. Сир эмас, «Ўргимчак түри»,

дея таърифланган тармоқ жаҳон ахборот маконининг етакчисига айланиб улгурди. Статистика маълумотларга қараганда, бугун Ер юзида 3,5 миллиард киши интернетдан фойдаланаётган бўлса, Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 11 миллиондан ошмоқда.

Дунёда турли моҳаролар давом этаётгани, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи ортиб, молиявий-иқтисодий инкирозоқибатлари янада чуқурлашиб бораётгани ақли расо одамни ташвишга солмасдан қўймайди, албатта. Шу маънода О'зЛиДеР ёшларнинг сийёсий ва ижтимоий фаолигини ошириш, уларнинг хоҳиш-иродасини ифода этиш орқали навқирон авлоднинг мустақил фикрлай оладиган кишилар бўлиб етишишига партиявий воситалар ёрдамида хисса қўйиш масалаларини ўзининг дастурий максадлари сирсига киритгани ҳам бежиз эмас.

Ёшларни глобал ахборот тармоғидаги бузғунчи ғоялардан қиймовлаш, уларда ҳолис ва ноҳолис маълумотларни ўз вақтида ажрата олиш маданиятини шакллантириш мақсадида ҳудудлар кесимида ўтказилаётган «Интернет хавфсизлиги ва интернет маданияти: муаммо ва ечимлар» мавзусида туркум форумлар ҳам яхши самара бераёттир. Интернетнинг тобора оммалашиб, глобал тармоқ фойдаланувчилари сафи кенгайиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда сўровнома шаклида тўлдирилган анкеталар асосида социологик тадқиқот олиб бориладиган ҳам О'зЛиДеРнинг Сайловотди платформасида баён этилган вазифаларнинг амалий ифодалари биландир.

Шухрат РАХИМОВ, «XXI asr» мухбири.

Халқ депутатлари Музработ туман Кенгаши О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи йиғилишида «Автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, йўллар бўйидаги инфратузилмаларни ривожлантириш юзасидан 2016 йил учун белгиланган вазифалар ижроси» бўйича туман ҳокими Азамат Ҳўжамқуловнинг ҳисоботи тингланди.

ҲОКИМ ахборот берди

Жумладан, унда 2015 йил давомида туман ҳудудидан ўтвучи «Шеробод-Пошхўрт-Оқтош-Музработ» автомобиль йўлининг 15 метр узунлидаги табиий офатдан зарар қўрган темир-бетон кўприги «Хўшбук-Али-Ангор» хусусий қорхонаси томонидан тўлиқ қайта қуриб битказилгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2015-2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги қарорига асосан 4Р-110 автомобиль йўлининг маълум қисми Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ҳисобидан ажратилган маблағ эъзига 2016-2017 йиллар давомида капитал таъмирланиши белгиланган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишлари олиб борилаёттир.

Тадбир сўнгида туман ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини назорат қилиш юзасидан халқ депутатлари туман кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг амалий фаолиятини кучайтириш, депутатлик сўровлари, уларнинг амалий натижаларини доимий назорат этиб бориш, санаят, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссия йиғилишларига таклифлар чикариш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Д. РАХМАНОВА, Сурхондарё вилоят кенгаши Мафқуравий ташвиқот-тарғибот ишлари бўлими мудири.

Манзилли дастурлар ижроси — изчил назоратда

Халқ депутатлари Муборак туман Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида Президентимиз Исрол Қаримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳиятини партия электорати ҳамда аҳоли ўртасида тарғиб қилиш масаласи муҳокама қилинди.

— Зиммамизга О'зЛиДеР электорати манфаатларини ифода этиш, жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, фермерлик фаолиятига ҳалақит бераётган баъзи тўсиқларни бартараф этишга қаратилган қонунлар, ҳужжат қарорлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳалар ижроси устидан таъсирчан депутатлик назоратини ташкил этишдек ғоятда муҳим вазифа юкланган, — дейди депутат Панжи Жалилов.

Йиғилишда депутатлик гуруҳи аъзолари мутасадди идоралар раҳбарларининг ахборотларини эшитиш, бошланғич партия ташкилотлари, туман кенгаши ва депутатлик гуруҳи ҳамкорлигида жойлардаги муаммоларни партиявий воситалар орқали ҳал этиш бўйича таклифлар хусусида фикр алмашдилар.

Партия вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Орзукул Шеров, туман кенгаши депутати Ақром Акбаров таклифи билан 2016 йилда туманда амалга ошириладиган маҳаллий лойиҳалар манзилли дастури ижроси назоратини депутатларга бириктириб қўйиш, уларни амалга оширишда тадбиркор дуч келадиган муаммоларнинг оддини олиш юзасидан мониторинг олиб боришга келишилди.

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири.

гидан далолат беради, — дейди О'зЛиДеР Нукус шаҳар кенгаши аппарат раҳбари Залээрбай Бакеев. — Интернетнинг ёшларимиз турмушида тутган ўрни катта. Зеро, интернетнинг афзал жиҳати дунёда рўй бераётган ахборотлардан хабардор бўлиб, маълумотларни тез олиш имконини беради, ёмон тарафи билиб-билмай унинг қулуга айланиб қолиш ҳеч гап эмас.

Чиндан ҳам замонавий техника воситалар, телефонлар орқали ялтироқ, аммо мағзи пуч

Ёшларда интернет маданиятини шакллантириш

О'зЛиДеР Нукус шаҳар кенгаши томонидан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали қошидаги академик лицейда «Хавфсиз интернет» лойиҳаси доирасида «Интернетдан ақлга мувофиқ фойдаланиш» шиори остида давра суҳбати бўлиб ўтди. Анжумандан партиямиз вакиллари ва коллеж ёшлари иштирокатида мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларимизда интернет маданиятини мустақамлаш, мафқуравий ва маънавий иммунитетни шакллантириш, ахборот хуружидогоқ этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Маълумотларга қараганда, интернет тармонидан фойдаланувчилар сони қарийб 10 миллиондан ортиди. Бу эса ёшларимизнинг ижтимоий тармоққа бўлган қизиқининг биланд эканли-

ғояларга асир бўлаётган соддалик ёшларни мафқуравий жиҳатдан тарбиялашимиз, керакли тавсия ва маслаҳатларни бериб боришимиз лозим. Бундай тадбирлар тугамайди, зотан интернет ва глобализация жараёни тобора кучаяётган бир даврда мафқура ва тарғибот жаҳасида фаолроқ бўлиш шу куннинг энг долзарб масаласидир.

О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Мафбўт хизмати.

...ЭҲТИРОМ

ПОЙТАХТИМИЗДА «ЗУЛФИЯ ДОИМО ЭЪЗОЗДА» ДЕБ НОМЛАНГАН МАЪРИФИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудига бағишланган мазкур тадбирга сенаторлар, депутатлар, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Абдурахимова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М. Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Г. Маърупова, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон давлат консерваториясининг бастакорлик ва чолғулаштириш кафедраси мудири О. Абдуллаева ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида миллий адабиётимиз ва санъатимиз ривожига ҳисса қўшган ижодкорлар эъзозланаёт-

гани, адабий мероси кенг тарғиб этилаётгани ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Зулфия шеърини меҳр-муҳаббат голярига йўғрилгани, самимийлиги билан тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиқидек асраб-авайлашга, Ватани ардоқлашга чорлайди. Шоира шеърлари кириб бормаган Ўзбек хонадонини топиш мушкул.

Зулфия ҳассос шоира, ҳозиржавоб журналист, ёшларнинг меҳрибон устози ва моҳир таржимон эди.

Президентимиз ташаббуси билан 1999 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани иқтидорли қизлар сафини янада кенгайтириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим омили бўлмоқда. Бугун ўшбу



мукофотга сазовор бўлган юзлаб қизлар адабиёт, санъат, спорт, таълим, илм-фаннинг турли йўналишларида ўзи тенгдошларига чинакам ибрат бўлмоқда.

Президентимиз қарори билан халқимизнинг севимли шоираси номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганим мен учун улкан шараф ва катта масъу-

лиятдир, — дейди ёш фортепьяночи, Тошкентдаги 260-умумтаълим мактаби ўқувчиси Чарос Маратова. — Ушбу юксак мукофот ва ишончга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан.

Тадбир иштирокчилари шоира ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Назokat УСМОНОВА, ЎЗА МУХБИРИ.

...ДОНОНИНГ СЎЗИ

Севимли аёлнинг ҳаттоки қаҳри ҳам биз бахтли дамларимизда бошқа аёллардан топишимиз маҳол бўлган чексиз жозоба билан тўлиб-тошгандир.
СТЕНДАЛЬ

Аёлни инсон сифатида кўриш ва қадрлаш-заруратгина эмас, балки ахлоқли кишиларимизга насиб этиши мумкин бўлган муҳаббатнинг бош шарт-ти ҳамдир.
И.ГЁТЕ

Табият аёлга шундай дейди: урдасидан чиқсанг гўзал бўл, хоҳласанг оқила бўл, аммо идрокли бўлмогинг шарт.
П.БОМАРШЕ

Аёлисиз ҳаёт тонги ва оқимои заиф, кундузи эса-гамгин бўлиб қолар эди.
П.БУАСТ

Аёл фидойиликни тушунибгина қолмай, ўзини фидо қилиши ҳам билади.
И.С.ТУРГЕНЕВ

Аёлга муҳаббат биз учун буюк, ҳеч нарсанинг ўрнини босолмайотган аҳамият касб этади. У худди гўштга сепилдиган тўздек юракка сингиб, уни бузилишидан сақлайди
В.ГЮГО



...ДАВРУ ДАВРОН

Сингапур менежментни ривожлантириш институтида O'zLiDeP Тошкент шаҳар ва Чилонзор туман кенгаши ташаббуси билан «Соғлом она — соғлом миллат гарови» мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.

Хотин-қизлар кўмитаси, партия фаоллари, талабалар иштирок этган тадбирда асосий эътибор «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросига қаратилди. Хусусан, жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказиш, партиявий лойиҳаларга кенг жалб этиш, хотин-қизларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш учун тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш каби масалалар муҳокама этилди.

— Партияимиз томонидан аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал ўсишига кўмаклашиш, бандлик масалаларини ҳал этиш, тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, хотин-қизларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида кенг камровли ишлар амалга ошириляпти, — дейди O'zLiDeP Чилонзор туман кенгаши раиси ўринбосари Д. Миррахимова. — Жорий йилда ҳам «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага», «Соғлом оила — мустақкам оила» каби партиявий лойиҳаларимизни давом эттирялмиз.

Тадбирда, шунингдек, соҳадаги эришилган ютуқлар билан бирга жойларда йўл қўйилётган камчиликлар, хусусан, эрта турмуш куриш, яқин

кариндолар ўртасидаги никоҳ, ҳомилалор аёлларнинг ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтмасликлари оқибатида юзага келатгани, она ва бола саломатлигига таъсир қўрсатувчи салбий оқибатлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ўтган йили «Соғлом оила — мустақкам оила» лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳри туманларида 100 дан зиёд тарғибот-ташвиқот тадбири ташкил этилди. Хусусан, ўтказилган 200 га яқин бевули тиббий кўриқда 10 мингга яқин хотин-қиз иштироки камраб олинди.

Оиладаги соғлом муҳитни яратиш, фарзанднинг бирор касбий эгаллаши, ҳаётда ўз ўрнини топишида онанинг роли жуда яқин катта, — дейди яқка тартибдаги тадбиркор Соҳида Ражабова. — Шундай экан, ёш ва бўлуси оналаримиз тарбиясига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Уларнинг нафақат саломатлигига қайғуришимиз, балки жамиятнинг фаол аъзосига айлантиришимиз, бирор бир хунарнинг бошини туттишига кўмаклашишимиз керак. Мен ҳам келгусида катта тикувчилик шеҳри очиб, қўллаб қизларга шу соҳанинг сир-асорини ўргатиш ниятидаман.

Дилноза НОМЗОВА, «XXI asr» мухбири.

O'zLiDeP Бекобод шаҳар кенгаши ҳамда ташаббускор бошланғич ташкилотлар ҳамкорлигида партиянинг «Соғлом оила — мустақкам оила» лойиҳаси доирасида «Нурли йўл» МФЙ худудида истиқомат қилувчи ўқитувчи аёллар ўртасида спорт мусобақаси ўтказилди. Шахмат-шашка, югуриш, узунликка сакраш, арқон тортиш ва волейбол бўйича ўтказилган беллашуларда 55 муаллима қатнашди.

— Бундай тадбирлар хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзи-

ни тарғиб қилишга хизмат қилади, — дейди партия шаҳар кенгаши аъзоси Моҳигул Қорабоева. — O'zLiDeP Дастурида белгиланган вазифалар ижросига ҳисса қўшар эканмиз, фақатгина шу каби ишлар билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Тадбирларимизга кенг жамоатчиликни, ташкилот ва корхоналардаги аёлларни жалб қилишимиз зарур.

Дилором ТУРСУНОВА, O'zLiDeP Бекобод шаҳар кенгаши БПТлар билан ишлаш бўйича бош консултанти.

Маҳалла маслаҳатчилари орасида O'zLiDeP фаоллари кўпчиликини ташкил этаётгани жойларда партияимиз дастурий голяларини кенг тарғиб этиш, электоратимиз сафларини фаол опа-сингилларимиз ҳисобига мунтазам ошириб бориш имкониятини юзага келтирди. Яқинда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлар иштирокида маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун ўқув-семинар ташкил этди.

— Туманимиздаги 62 нафар маҳалла маслаҳатчиси O'zLiDeP аъзосидир. Уларнинг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилаётган эътибор, электоратимиз сафларини фаол опа-сингилларимиз ҳисобига мунтазам ошириб бориш имкониятини юзага келтирди. Яқинда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Балиқчи тумани бўлимида фуқаролар йиғинларининг диний маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун ўқув-семинар ташкил этди.

Эльмира РАҲМОНОВА, «XXI asr» мухбири.

...СИЁСАТ

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий ташкил маркази раҳбари Дилором АЗИЗОВА:

— Маълумки, партия ишини ташкил қилишда етарли даража ва савияда кадрлар захираси бўлиши шарт. Айни мақсадда ўтказилаётган махсус ўқув курсларида партия раҳбар кадрлари захираси билан ишлаялмиз. Партиянинг турли даражадаги тузилмалари ва давлат ҳокимияти вакилик органларида ишлашга қодир, сиёсий мувоҳасага лаёқатли, фаолиятида замонавий сиёсий технологиялар ва иш услубларини қўллаётган олданиган профессионал кадрлар захирасини тайёрлаш диққат эътиборимизда. Ҳуқуқларда фаол иштирок этаётган, партия электорати орасида хирма-этиборга лойиқ кадрлар захираси бўлиши зарур. Бизнинг машғулотларимизда сабоқ олган иқтидорли ёш кадрлар бугунги кунда турли соҳаларда намунали фаолият олиб боришмоқда. Шу ўринда Қашқадарё Автоёул худудий йўллардан фойдаланиш давлат корхонаси директори, Касби туман кенгаши депутати Валерий Самнев, Муборак ва Нишон, Қа-

маши туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари Шавкат Мехмононов, Шухрат Норқобилов, Фарход Шомуродов, Қарши Давлат университети қошидаги 2-академик лицей директори Исмигул Хушмуродова, Қарши муҳандислик интисодиёт институти катта ўқитувчиси Шухрат Боймуродов, АТ «Микрокредитбанк» вилоят филиали бошқарувчиси Аслиддин Ҳайдаров, Косон ва Касби туман ҳокимликлари ташкилий назорат гуруҳи раҳбарлари Анвар Эргашев, Кахрамон Бозоров, Чирокчи туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Олмос Қувватовни таъкидлаган бўлар эдим.

Бошланғич партия ташкилоти фаол, кучли бўлса — партиянинг ишлаши жойида деярлининг. Бизнинг бор сарф-хароқатларимиз, пировардида аҳолининг кенгрок қатламларини либерал-демократик голялар атрофида жамлаш, давлатимизнинг бу борадаги ислохотлари моҳиятини етказишдир. Мазкур вазифани амалга ошириш ниятида вилоятимизда мавжуд 829 та бошланғич партия ташкилоти билан алоҳида иш олиб бораёлмиз. Хусусан, намунали кўйи бүгуннинг ўзида ўқув



машғулотлари ўтказаялмиз. Қарийб 18 минг нафар аъзонимиз жамлаган бу ташкилотларда партияимиз голяларини фаол тарғиб этадиган ёшлар фаолият кўрсатаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Эндиликда уларнинг дунёқарашини янада юксалтириш, замон шитобига мос равишда тарбиялаш устиде изланаёлмиз. «Шўртангазим» мажмуаси, Дехқонхўрда қалиёли ўғитлар заводи, Шаҳрисабздаги «Пахлавон» таъхис маркази, Қарши туманидаги «Иллинойс» ва

Касбидаги «Орт ризиқ» масъулияти чекланган жамиятларида ўтган ўқув машғулотларида аввало ана шу жиҳатга эътибор қаратилди.

Тажрибадан маълумки, қайси партия аҳоли ўртасида тарғибот ишларини кучайтирса, дастурий максаллари халқчил ва фаровонликка хизмат қилса, одамлар ўша сиёсий кучнинг ординан эргашади. Биз партияимизнинг халқ орасидаги нуфузини янада ошириш учун бор имкониятлардан фойдалана олаёлмиз,

дея олмаёлмай. Баъзи депутатларнинг чекланган жамиятларида ўтган ўқув машғулотларида аввало ана шу жиҳатга эътибор қаратилди. Тажрибадан маълумки, қайси партия аҳоли ўртасида тарғибот ишларини кучайтирса, дастурий максаллари халқчил ва фаровонликка хизмат қилса, одамлар ўша сиёсий кучнинг ординан эргашади. Биз партияимизнинг халқ орасидаги нуфузини янада ошириш учун бор имкониятлардан фойдалана олаёлмиз,

дея олмаёлмай. Баъзи депутатларнинг чекланган жамиятларида ўтган ўқув машғулотларида аввало ана шу жиҳатга эътибор қаратилди. Тажрибадан маълумки, қайси партия аҳоли ўртасида тарғибот ишларини кучайтирса, дастурий максаллари халқчил ва фаровонликка хизмат қилса, одамлар ўша сиёсий кучнинг ординан эргашади. Биз партияимизнинг халқ орасидаги нуфузини янада ошириш учун бор имкониятлардан фойдалана олаёлмиз,

...ЖАМИЯТ

O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаолияти, жамиятдоши ўрни ва мақеини ошириш бўлими етакчиси Мушарраф РАҲИМОВА:

— Фикримча, бизнинг олдимизда иккинчи муҳим вазифа турибди. Биринчиси — мамлакатимизни юксак тараккий этган давлатлардан бирига айлантириш (бу борада хо-зирнинг ўзида кўп натижаларга эришилди), иккинчиси — ривожланган давлатларнинг илгор тажрибасини пухта ўзлаштиришдир. Ўйлаб кўрилса, Япония, Швеция каби давлат аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, иқтисодиётдаги иштирокчини изчил рағбатлантираётгани учун ҳам юксак марра-

ларга эришмоқда.

Хўш, бизда бу борадаги вазият қандай? Ўзбекистонимиз — муомала-муносабатда ҳам, ишни ташкил қилишда ҳам аёлни ардоқлаган юртимиз ўз истикболига мустақкам пойдевор яратмоқда, деб баралла айтишга барира асос бор. Бундай эзгу ишларга эса партияимиз ҳам нафақат камарбаста бўлаётир, айни бир пайтда, ўз сафига қўллаб-қувватлаш ва ташкилотчи аёлларни бирлаштириб, ягона маслак атрофида уюштириб келмоқда. Томчида қуёш акс этганидек, ўзгартиш ва юксалтиришнинг вилоятимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Хусусан, 2014 йилда вилоят бўйича партияимиз сафидаги аёллар сони

5490 нафарни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 5731 нафарга етди. Аввалги чақирикда халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашлари депутатлигига сайланган аёллар сони 17 нафардан иборат бўлган бўлса, кейинги сайловларда 27 нафарни ташкил этди. Вилоят кенгашларини «Аёллар қаноти» хал қилувчи ва таъсирчан кучга айланмоқда.

Аниқ мисолларга мурожаат қилганда бўлса, 2015 йил давомида «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳаси доирасида ўтказилган танловнинг туман ва шаҳар босқичларида иштирок этган энг яқин бизнес лойиҳа эгалларига тижорат банклари томонидан 460 миллион сўм кре-

дит берилди, 52 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, «Соғлом оила — мустақкам оила» лойиҳаси доирасида 1018 нафар аёл 23 мартабада бевули тиббий кўриқдан ўтказилди. Бундай мисолларни қўллаб-қувватлашимиз мумкин. Мустақкам мамлакатимиз, унинг таркибида бизнинг вилоятимиз нақадар гуллаб-яшнамоқда, иқтисодиётнинг барча соҳалари, ижтимоий йўналишларда оламшумул ўзгаришларга эришилмоқда. Бунда азиз аёлларимизнинг, шулар қаторида O'zLiDeP аъзолари бўлган хотин-қизларимизнинг кафолатли ўрни, салмоқли ҳиссаси бор.

Байрамнинг муборак бўлсин, ҳамфикр ва маслакдош, азиз опа-сингиллар!..

Соғлом фикр, соғлом тан ва соғлом наас кучли фуқаролик жамиятининг демократик турмушимизнинг бош мезонига айланб бормоқда. Бу тасолюни мустақкамлаш билан боғлиқ долзарб ишларда маънавий ва адабиётнинг ўрни қамолатлидир. Урганчада ўтказилган иллий-амалий анжуманда истиқлол даври миллий адабиётимизнинг атоқли вакили бўлган Матназар Абдулҳаким ижодида қамол инсон, соғлом она, барнамоқ билан гоёсининг акс этиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

— Шоирнинг «Дарсдан сўнг» номили шеъри бор. — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўз-

бекистон Либерал-демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими ходими Шохруҳ Солаев. — Ҳатто шу шеър гоёси асосида Бўстон исмли ўқитувчи аёлга ҳайкал ҳам қўйилган. Шоирнинг бошқа асарларида ҳам миллий адабиётимиз қарвонбошчилари томонидан ривожлантирилган инсонпарварлик голялари таранум этилади. Тадбир Халқаро хотин-қизлар байрами ва Наврўзи олам айёмига бағишланган мушоирага, кейин «Надир китоблар» савдо нуқтасининг очилиш маросимида ўқилиши келди.

Янгибоб БОЗОРБЎЙ ҲАМИ, «XXI asr» мухбири.

Соғлом фикр, соғлом тан ва соғлом наас кучли фуқаролик жамиятининг демократик турмушимизнинг бош мезонига айланб бормоқда. Бу тасолюни мустақкамлаш билан боғлиқ долзарб ишларда маънавий ва адабиётнинг ўрни қамолатлидир. Урганчада ўтказилган иллий-амалий анжуманда истиқлол даври миллий адабиётимизнинг атоқли вакили бўлган Матназар Абдулҳаким ижодида қамол инсон, соғлом она, барнамоқ билан гоёсининг акс этиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

— Шоирнинг «Дарсдан сўнг» номили шеъри бор. — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўз-

...КИЧИК БИЗНЕС

Автобуста кетар эканман, олднинг ўриндиқда ўтирган икки аёлнинг суҳбати беихтиёр диққатимни тортди.

— Тўй қилишнинг ўзи буладими, овсин. Бир ҳафтадан бери шаҳарга қатнайман-а, — деб ҳамроҳига гап уқтирдим ўрта ёшлардаги аёл. — Биласиз, ёлғиз қизим. Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр, дейишган. Эртага э-у юртинг олдига камчиликни бўлмасин дейманда. — Ия, ҳозир ҳам тикувидан келаяман.

— Ие, — деди унинг гапига жавобан ҳамроҳи. — Шунинг учун ҳам шаҳарга қатнаб, овора бўлиб юрибсизми? Мана, мен қизимни чиқарганда ҳамма буюртмаларни ўзимизнинг Қаршигулхоннинг «фирмаси»га бердим.

— Қайси Қаршигулхоннинг «фирмаси»ни айтаяпсиз, овсингон? — Ўзимизнинг Ўсмаат шаҳарчасида очилган «Зебо текстиль»ни айтаяманда...

Қаршигулхоннинг «фирмаси» деганлари бундан икки йил олдин иш бошлаган Бахмал тумани марказидаги «Зебо текстиль» оилавий корхонаси экан. Элига пардалар, аёллар либослари, зардўзлик, кашпачилик, костюм-шим,

спорт, махсус ва тайёр кийимлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган мазкур корхонага O'zLiDeP фаоли Қаршигул Усмонова раҳбарлик қилар экан. Юриш-туриш, қилиниши, муомала маданиятидан аёлларимиз севиб томоша қиладиган хорик сериаллардаги тадбиркор аёллардан ҳеч қилишмайдиغان қаҳрамонимиз ўзи вояга етган худудда бир пайтлар «қўли гул чевар» деб донг таратган София момо Холмўминованинг невараларидан бири экан. Болалигиданок бичиш-тишиш, куракчилик, зардўзлик, гиламдўзлик каби кишлоқ аёллари яқин ўзлаштирган чеварлик касбининг сир-асорларини пухта эгаллаган Қаршигул Усмонова юртимизда хотин-қизларнинг тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолияти билан шугулланишлари учун яратилаётган қўлай шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланаётган аёлларимиздан бири.

Ўзқ йиллар турли корхона ва муассасаларда меҳнат қилган қаҳрамонимиз O'zLiDeP сафига кирган, Аёлларнинг сиёсий фаолияти, жамиятдаги ўрни ва мақеини ошириш бўлими томонидан амалга оширилаётган истикболли лойиҳалари доирасидаги тадбирларда, очик

мулоқот ва давра суҳбатларида мунтазам иштирок эта бошлади. Ўшбу тадбирларда қўллаб-қувватлаш билан кўникмаларга эга бўлди. Натияжада туманда ҳам тикувчиликка иқтисослашган оилавий корхона очилди. Унинг бизнес режасини ўрганиб чиққан «Микрокредитбанк» туман филиали 36 миллион сўмлик кредит маблағи ажратди. Натияжада 30 турдан зиёд кийим-кечак тикишга иқтисослашган корхонага асос солинди. Бугунги кунда мазкур жамоада 18 киши доимий иш билан банд. Эътиборга молик томони — уларнинг асосий қисмини яқин атрофдаги маҳалла хотин-қизлари ташкил қилади. Ишбилармон, ўз соҳасининг билимдон раҳбарлик қилаётган корхона бугунги кунда марказдаги тикувчилик корхоналари билан бемалол рақобат қила оладиган махсулотлар тайёрлаб, ўз фаолиятини кенгайтириб бормоқда.

— Ҳар қандай ишнинг бошланиши осон бўлмайди, — дейди Қаршигул Усмонова биз билан суҳбатда. — Бирор инсон ўз олдига қўйган максаллари сари оғинмай ҳаракат қилса, албатта ниятига етади. Бизнинг юртимизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик, кичик бизнес билан

шугулланаман, деган аёлларимиз учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Албатта, тадбиркорликнинг ҳам ўзинга яраша қонун-қоидалари бор. Инсон ўқиб, ўрганиш, ишлашдан чарчамаса, бутун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ натижага эришиш учун ҳаракат қилса, максалига эришмай қолмайди. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, сизни қўллаб-қувватлайдиган, беминнат ёрдам ва маслаҳатларини аймайдиган елқадолларнинг бўлиши ўта муҳим. Шу сабаб мен туман ҳокимияти мута-саддилари ҳамда маслаҳатларимиз ҳисобланган O'zLiDeP фаолларидан жуда миннатдорман.

Корхона фаолияти билан танишар эканмиз, яқинда тузилган шартнома асосида харбийлар учун либос тикаётган қизларнинг ҳавас ва кунг билан ишлаётганини кўриб, завқингиз ошди.

— Маълумки, оилада, айниқса, кишлоқ жойидаги оилаларда аёлларнинг тикувчилик, чеварлик ва бошқа турмушда асқотадиган соҳаларни яқин билишлари ўта муҳим, — дейди К. Усмонова бу мавзуда гап кетганда, — шу сабаб корхонамиз қошида «Бахмал илм-нур» ўқув

марказини очилган қарор қилдик. Бошлангани чакки эмас, чунки кишлоқ жойларда касб-хунар ўрганаган деган хотин-қизларнинг ҳаммаси ҳам марказдаги ўқув курсларида қатнаш имконига эга эмас. Халқ банкидан олинган 10 млн. сўмлик кредитга ўз сармоғимизни қўшиб ишга туширилган мазкур ўқув даргоҳида айни пайтда 100 нафардан ошдик хотин-қиз уй ҳамшираси, тикувчилик, тўқувчилик, пазандчилик, қарвин, элига пардалар, кўрпа-ёстиқлар тайёрлаш сир-асорларини ўрганимоқдалар.

«Зебо текстиль» корхонаси ва унинг раҳбари Қаршигул Усмонова фаолияти билан қисқача танишиш жараёнида юртимизда тадбиркорлик билан шугулланишни ният қилган аёлларимиз учун барча шарт-шароитлар, имкониятлар етарли эканига яна бир қарра амин бўлдик.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ, Хизматлар лицензияланган.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш — ГЛОБАЛ МАСАЛА

ЁХУД ДУНЁДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИНГ ЎСИШИ АҲОЛИ СОНИ ВА ЭҲТИЁЖЛАРИНИНГ ЎСИШИДАН НЕГА ОРТДА ҚОЛАЁТГАНИ ХУСУСИДА

■ Дилором ТОЖИЕВА,
Тошкент Банк коллежи ўқитувчиси

Ушбу муаммо билан шуғулланувчи номдор тадқиқотчилар тобора кўпайиб бораётган аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш учун экинзорларни кўпайтиришнинг ўзи кифоя қилмаслигини таъкидлашмоқда. Уларнинг фикрича, озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг энг самарали йўли мавжуд ерлардан оқилона фойдаланиш, янги навлар яратиш, фермерларга янада кўпроқ имтиёзлар беришдир. Қолаверса, замон талабларига мос равишда фермерларнинг бозорга тезроқ кириб боришлари учун шароит яратиш, хосилдан зарар кўришнинг олдини олиш, билим ва тажрибаларини бойитиш керак. Кўплаб мамлакатларда ушбу ақидага амал қилиниб, ижобий натижаларга эришилаётгани фикримиз далили бўлиши мумкин.

Мисол учун, Буюк Британиянинг Thompson ва Morgan компанияси ўтган йили кўпчилик фермерлар орзу қилган ана шундай янгиликка қўл урди: бир тупда ҳам помидор, ҳам картошка етиштирилди. Мазкур ўсимлик шартли равишда TomTato деб номланди. Яъни, tomato — помидор, potato эса картошка деган маънони беради. Мутахассислар помидорнинг таъми бошқа навларга қараганда ширинроқ, картошкалар эса деярли фарк қилмаслигини айтишяпти. Кези келганда, бир жихатни алоҳида таъкидлаш керак: олимлар бу турдаги ўсимликни етиштириш учун салкам 15 йил вақт сарфлашди. Эътиборлиси, TomTato ни иссиқхонада ҳам, очик ҳавода ҳам бемалол етиштириш мумкин.

Биз мазкур ихтиронни янада кенгрок ва тушунарлироқ изохлаш учун Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли Геномика ва биоинформатика маркази кичик илмий ходими Мирзакамол Аюбовга муурожаат қилдик.

— Мен бунни ихтиро демаган бўлардим, — дейди М. Аюбов. — У оддий пайванд, холос. Ҳақиқий селекция иши бундан мустасно. Узоққа бормайлик. Мисол учун, пахтанинг турлари кўпчилиги қарамадан, етиштирилаётган гўза навлари генетик хилма-хиллигининг чекланганлиги дунё пахтачилигининг глобал муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон селекторлари бир неча ўн йиллардан буён ўрта толали гўза навини яратиш

устига иш олиб бораётган бўлсалар-да, амалий натижага эришмаган эдилар. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Геномика ва биоинформатика маркази олимлари бунинг уддасидан чиқибди. Дунё илм-фанида биринчи бўлиб гўзанинг муҳим аҳамиятга эга белгилари, хусусан, тола сифати, гуллаши, тезширлиги ва хосилдорлиги, турли биотик ва абиотик омилларга чидамлилигини таъминлайдиган генлар тавсифлаб берилди.

Гўзанинг айрим хужайраларидан тўла қимматга эга ўсимликлар яратилди ва илк бор мамлакатимизнинг интеллектуал мулки, деб эътироф этилган гўзанинг «ген-нокаут» технологияси ишлаб чиқилиб, амалиётга таъбиқ этилди. Ушбу янги технология анъанавий пахта селекциясининг асосий вазифаларини ҳал этиш имконини берганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунончи, пахтачилик тарихида илк мартаба ўрта толали навадан қисқа муддат ичида агрономик муҳим белгиларининг асосий кўрсаткичлари яхшилланган «Порлок» навлари яратилди. Бу навлар узунлиги 38–42 миллиметр бўлган 1–2 тундаги кесиб сифатли толага эга. Шу асосда мамлакатимизда ушбу янги тола нархига ўзгартириш киритилди. У оддий нави толага қараганда 12 фоиз қиммат сотилади. Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ушбу навадан синтетик тола қўшмасдан туриб юқори сифатли тўқимачилик маҳсулоти, яъни кўйлақбоп мато ишлаб чиқариш мумкин.

Энди бевосита бир тупда ҳам картошка, ҳам помидор етиштириш, яъни пайванд мавзусига қайтсак. Итузумдошлар оиласига мансуб бўлган ҳар иккала ўсимликдан тўғноғичнинг бошидек келадиган тўқима бўлақлари кесиб олинади. Кейин махсус гелда алоҳида-алоҳида ўстирилади. Улар икки барабар катталашганда, поялари бир хил бурчак остида кесилади ва шундан сўнггина пайванд қилинади. Тахминан бир ҳафтада, табиий формалар қўшилиб бўлгунча, картошканинг илдиз хосил қилувчи пастки учи, помидорнинг мева тугадиган юқори учи бир-галликда қирқиб олинади. Буюк Британиянинг боғдорчилик компанияси алдақачон янги ўсимликни бозорга олиб кирди. Бу 500 тагача хосил тўплай оладиган ширин, олча ўлчамидаги помидор ва саломатлик учун муҳим ўсимлик бўлган оқ картошқадир. Энг асо-

сийси, ушбу ўсимликлар генетик ўзгартирилмаган. Шу маънода уни оламшумул янгилик дейиш мумкин. Мавжуд майдонлардан мўлроқ хосил оlishнинг янги йўллари тадқиқ қилиш замон талабига айланган бир пайтда бундай янгиликлар инсониятга жуда катта наф келтиради.

Ҳақиқатан ҳам аграр соҳани тубдан ислох қилиш, уни янги, муҳими, зарарсиз технологиялар билан таъминлаш бутунги кунда энг долзарб вазифага айланди. Шу маънода, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар туфайли мураккаб об-ҳаво шароитига қарамадан, ўтган йили 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд галла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта етиштирилди. Соҳада ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, селекция ишларини яхшилаш, гўза ва бошоқли дон экинларининг районлаштирилган навларини яратиш замонавий агротехнологияларни ўзлаштиришнинг амалий натижасидир.

Қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлари ҳам жадал суръатларда ривожланмоқда. Ўтган йили 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилгани бунинг яққол исботидир. Кейинги йилларда етиштирилган маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш, сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2015 йили тармоқда 230 та қайта ишлаш корхонаси, 77 минг 800 тонна сифимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди.

Тадбиркор ва фермерлар манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган O'zLiDeP ҳам бу борада кенг қўламли ишларни амалга оширишни мақсад қилган. Худудларда кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантиришга кўмаклашиш, янги интенсив ва маҳаллий боғ ҳамда тоқзорлар барпо этиш, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик, кўнчиликини самарали ташкил этиш, иссиқхона ва музлатгичлар қуришга ишбилармон юртдошларимизни



кенг жалб этиш, уларга ҳар томонлама кўмак беришга биринчи даражали аҳамият берилапти. Маълумотларга кўра, жорий йилда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий корхоналарни ташкил этиш ва мавжудларини модернизациялаш бўйича 1488 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши белгиланган. Ушбу вазифани ўз вақтида амалга оширилиши юртимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида нечоғли ўрин тутишини кенг тарғиб этиш, улар ижроси юзасидан жойларда партиявий ва депутатлик назоратини самарали ташкил этишга ҳаракат қилинмоқда. Зеро, давлат аҳамиятига молик ҳар қандай хужжат, хоҳ у қонун лойиҳаси, хоҳ давлат дастури бўлсин, фақатгина ижроси билан қучлидир.

Мухтасар айтганда, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун экин майдонларини кўпайтиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Шундай экан, ақл ва тадбир билан иш юритиб, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш энг тўғри йўл экани аниқ ҳақиқатдир. Буни Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислохотлар муваффақияти ҳам исботлаб турибди.

АЖИБ ДУНЁ



Нефть қазиб олиш ҳажми камаяди

Маълумотларга кўра, ОПЕКқа аъзо давлатларда февраль ойи натижаларига кўра нефть қазиб олиш ҳажми кунига 280 минг баррелга қисқарган.

Бу даражадаги максимал пасайиш дастлаб Ироқда кузатилади: бу ерда 17 февралдан бошлаб Курдистондан нефть қувури бўйича нефть етказиб бериш тўхтади. Қувурнинг қуввати кунига 600 минг баррелга баҳоланади. Шунингдек, Нигерияда Royal Dutch Shell корхонасида авария юз бергани ва нефть оқиби кетгани ҳамда БААда бир неча конлар техник хизмат кўрсатиш учун ёпилгани сабабли нефть қазиб олиш ҳажми қисқарган.

Бироқ нефть бозори етакчилари — Саудия Арабисто-

ни ва Эрон нефть ҳажмини камайтироқчи эмас. Саудия Арабистони нефть қазиб олиш ҳажмини январь даражасида, яъни кунига 10,2 млн. баррель миқдорига қолдирган. Эрон эса февраль натижаларига кўра қийслаганда кунига 200 минг баррель кўпроқ нефть қазиб олмоқда.

Трамп ва Клинтон ҳозирча пешқадам

АҚШда 1 март кунги «қойилмақом сешанба» деб аталмиш бирламчи президентлик сайлови ўтказилди.

Республикачилар партияси номзоди Дональд Трамп 5 та штатда етакчилик қилган бўлса, унинг рақиби Тед Круз Техас ва 2 штатда пешқадамлик қилди. Флорида штати сенатори Марко Рубио деярли галабага эриша олмади.

Демократлар вакиласи, АҚШнинг собиқ биринчи хоними Хиллари Клинтон Виржиния, Жоржия, Техас штатлари билан бирга 6 та штатда юқори овозга эга бўлди. Унинг рақиби — Вермонт штати сенатори Берни Сандерс фақатгина ўзи тугилиб ўсган штат ва Оклахомада галаба қозонди.

Appledan эгилувчан iPhone

Ҳап аниқ бир вазиятда, корпуси ва барча ички компонентлари эгилувчан, органик ёруғлик диодларидан ташкил тошган OLED-дисплей ва аккумуляторли iPhone ҳақида кетмоқда. Маълумотларга кўра, бундай технология iPhone, iPad, Apple Watch ва бошқа тақиб юрлувчи қурилмаларга қўлланилиши мумкин.

Шунингдек, бундай қурилмалар эгиллини сеза олиши мумкин. Махсус сенсорлар эгиллини кучи ва даражасини рўйхатта олади, шу орқали фойдаланувчи ахборотларни янги усулда киритишлари ва бошқаришлари мумкин. Масалан, қурилма айланганда унинг ишлаш режимини ўзгартириш, уни ўчириб, қайта ёқиб имконияти пайдо бўлади.

Бундан ташқари, эгилувчан конструкция қурилма тушиб кетганда ҳам камроқ зарар кўришни таъминлаб беради.

► РЕКЛАМА ЎРНИДА

Ташқи бозор — катта бозор. Аммо...

Бугун тадбиркорларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ривожланган мамлакатларникидан сира қолишмайди. Бироқ уларни жаҳон бозорига олиб чиқиш осон эмас. Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ва шу асосда ташкил этилган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурдаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси нисбатан қисқа муддатда тадбиркорлик субъектларининг маҳсулот экспортини амалга ошириш бўйича энг яқин кўмакчисига айланди.

■ Фахриддин НУРАЛИЕВ,
«XXI ASR» муҳбири

Мазкур жамғарма фаолияти аначайин серқирра бўлиб, худуддаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш учун потенциал имкониятлар аниқланмоқда. Тадбиркорларга экспорт жараёнлари хусусида батафсил маълумотлар беришдан ташқари, уларга ташкилий, ҳуқуқий, консултыатив ҳамда молиявий ёрдам ҳам кўрсатиб келмоқда.

Масалан, жамғарманинг Тошкент вилоят филиали томонидан жорий йилнинг ўтган ойи мобайнида жами 60 дан ортиқ тадбиркорлик субъектига қурилиш, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда туризм, транспорт, маркетинг, консалтинг хизматларини экспорт

қилишга яқиндан кўмак берилиб, умумий қиймати 27,2 миллион АҚШ долларидан ортиқ шартномалар тузилди. 5,2 миллион АҚШ долларига яқин товар ва хизматларнинг экспорт қилинишига эришилди.

Шунингдек, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси қошидаги «Юксалиш мезони» Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда вилоятнинг бир қатор туманларида кўп тармоқли фермер хўжалиқлари учун махсус ўқув-семинарлар ташкил этилди. Мамлакатимиз ҳамда чет давлатларда ўтказилиши режалаштирилган кўргазма ва ярмаркалар ҳақида батафсил маълумотлар берилиб, кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб борилаётир.

— Корхонамизда қайта ишлан-

Узоқ умр кўриш учун шоколад

Россия Фанлар Академияси Узоқ Шарқ бўлими қошидаги Тинч океани биоорганик кимё институтига денгиз юлдузлари, денгиз типратиканлари ва лимон ўтдан ажратилган моддаларни қўшиб, ўзига хос шоколад яратилди. Бу ҳақда 1 март кунги институт веб-сайти орқали хабар қилинди.

Таъкидланишича, бу моддалар «денгиз витаминлари» деб аталган бўлиб, уларнинг йиғиндисини қариш жараёнини секинлаштириб, метаболизмни яхшилайдиган, ўз навбатида, ҳаёт сифати ва умр давомийлигини оширади. Денгиздаги табиий қўшилмаларни 40 йилдан буён ўрганиб келаётган институт ходимлари янги маҳсулотга «Денгиз шевевери» деб ном берган.



Хизматлар лицензияланган.

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Аҳмад АбъЗАМ,
ёзувчи

...Э, шоир эмасман-да! Агар шоир бўлганимдами! Лекин шоирларга ўхшаб ҳаяжонланиб кетдим. Ҳаяжонимни ёзмакчи бўлдим, майли-да, шеър бўлмаса ҳам, кўнглимга яраша: агар тўрт деворни битта томга жуфтлаб, оламга кириб-чиқиладиган эшик очилса — уй бўлади; унинг деразаларидан осмон оқиб киради, агар уйлар бирлашиб, бетма-бет турса кўча, кўчалар бир-бирига уланса — қишлоқ бўлади; қишлоқнинг йўллари бошқа қишлоқларга оқиб чиқади; агар қишлоқлар қўшилиб, томлар бир-бирига қиғирини тутса, чорраҳаларда бошини бошига тираб кўчалар зурунглашиб ётса — шаҳар бўлади; шаҳарнинг уйлари офтобга қараб ўсаверади, йўлларида яна-яна қишлоқлар оқиб келаверади; агар шаҳарлар, қишлоқлар, далалар, қишлоқлар, яйловлар, саҳролар, чўллар, тоғлар, дарёлар уйлари, дарахтлари, ўт-ўлани, сувлари, тупроғи, тоши, шимоллари, жонзотлари ва одамлари билан битта кўён, ягона осмон остида бирлашиб кетса — ВАТАН бўлади — қа-атта!

ўсан оғочлардан олинган экан. Мен эсам шу пайтгача бу қозғаларга ким қайдаги майда-чуйдаларни тўқиб...

Энди шукронами шеърга салмоқчи бўлдим. «Ўх-ҳў, қанчалар бепоеён экансан, Ватан!» — деб ёздим, қуруқ гап бўлиб қолди; Ватанга қуруқ гап айтиб бўлмас экан.

«Қабамсан, Ватан!» — деб ёздим, лекин ўзим Ватанимнинг қоқ бағрида — пойтахтида ўтирибман, чор-атрофим — Ватан, унга букилиб сажда эмас, елиб-юзуриб хизмат қилишим керак, деб ўйладим.

«Эрка ўзлингман, Ватан», деб ёздим, аммо ёшим қирққа бориб ҳам, ҳалиям боладай эркалик қилиб юрсам, ярашмас-ов, деган андишага бордим. «Ватан, сен — уйлар бир-бирини суйайдиган, йўллар бир-бирини улайдиган, қўшиқлар бир-бирини тинглайдиган, сувлар бир-бирини излайдиган, мақсадлар бир-бирини сизлайдиган бузрук маъвосан, лекин юрагимга сизгасан», деб ёздим, тузукка ўхшади, аммо шеър бўлмади.

«Ватан — мен сенинг...» деб ёзаётган шартта тўхтаб қолдим: бовдан бери Ватани таърифлайман деб, нуқул ўзимни тикширибман экан; худди Ватан ҳамма-мизники эмас, битта меникидек. Кейин «Ватан — онамиз», деб ёздим, лекин қишлоқдаги онамнинг ҳолидан хабар ололмаганимга икки ой бўлган эсимга тушиб қолди, онасига бепарво одам, қандай қилиб Ватан — она ҳақида оғиз тўлдириб гапирарман, деб ўйладим.

Бошқа ёзолмадим, ўйлавердим, ўйлаганим сари Ватан катталашиб, ўзим кичрайиб боравердим...

Қарасам, қозога термилганча, қаламни қайнаб, фақат бир сўзни шивирлаб ётибман: «Ватан», «Ватан», «Ватан...»

Шу сўзни товушимни чиқариб, баралла айтиб юбордим.

Бу тирик ҳақиқатни ўзимча шундай англадим: Ватан кўз олдимга келди, рўйирост кўринди, уни бағрида ўзимни ҳам кўрдим: кичкинагина ҳовлимнинг устида қўндирилган каптархонадек болохонада ўтириб-учиб, Ватанимнинг поёнсиз суратини ойна-кўнглимга сиздиришга уриниб турган ҳолимда унга қўшилиб-бирлашиб кетган эканман.

Мен Ватаним берган бошпанада яшаб, у берган неъматлардан экон, ҳавосидан нафас олиб ўтирган эканман. Зувалам ҳам унинг тупроғидан, қариб-чурсам ҳам шу тупроққа қайтаман!

Хатто шу гапларни ёзаётган қозғаларим ҳам Ватаники — унинг ўрмонларида



КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ ЖАМОАСИ

хонадонларимизга файз-барака киритаётган, замонавий корхоналар очиб, халқимизни иш билан таъминлаётган, деҳқончилигу боғдорчиликда эркаларни доғда қолдираётган тадбиркор опа-сингилларимизни эшик қоқиб турган шуқуҳли байрам — Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий қутлайди.

Хизматлар лицензияланган



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши кадрлар бўйича инспектори Азада Базарбаевага онаси **Эжегул ТАЙМИРОВА**нинг вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ҚУТЛОВ

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК ЖАМОАСИ

юртимизнинг барча аёллари, онахонларимиз ва опа-сингилларимизни 8 Март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами билан чин дилдан табриклайди. Сизларга мустақкам соғлиқ ва ҳамиша баҳор гулларидек гўзал бўлишингизни тилаймиз! Мамлакатимиз осмони доимо беғубор бўлсин, Сизларнинг қалбларингиз ҳамиша қувончга тўлсин!

Байрам муносабати билан куйидаги миллий валютадаги мuddатли янги омонат турини таклиф этамиз:

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фойзалар ҳар ойда ёки омонат мuddати тугайдан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 27 турдаги ва хорижий валютада 17 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сергели филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарход филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтириқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ: — солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод! — маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади! — эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда! — миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган

«ШЎРТАНГАЗКИМЁ» мажмуаси жамоаси

мунис онахонларимиз, азиз опа-сингилларимизни жаннатмонанд юртимизга баҳор тароватини олиб кирган 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий муборакбод этади. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ҳуш кайфият, оилавий бахт-саодат ва хотиржамлик тилаймиз.

Хизматлар лицензияланган